



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

(1-октябрь – Устоз ва мураббийлар куни)

Мухтарам жамоат! Ислом дини илму маърифатга тарғиб қилувчи илоҳий диндир. Зеро, инсоннинг дунё ва охиратининг обод бўлиши илм олиши ва унга амал қилиши билан боғлиқдир. Қуръони каримнинг кўплаб оятлари ва Пайғамбаримиз ﷺ нинг қатор ҳадисларида ушбу маънолар баён этилган. Илм – руҳнинг озукасидир. Инсоният илм билангина Аллоҳни танийди, ҳақиқий саодатни қўлга киритади, унинг шарофати билан юксалади. Илм эса устознинг саъй-ҳаракати, тинимсиз меҳнати, ғайрати ва матонати билан эгалланади. Илм ўргатувчи устозлар бежизга “пайғамбарларнинг меросхўрлари” деб эъзозланмаганлар. Қуръони каримда ўзи эгаллаган илмни бошқаларга ўргатган устозларнинг шаъни-шарафи нақадар улуғлиги ҳақида бундай марҳамат қилинади:

يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ (سورة المجادلة/11).

яъни: “... Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган (барча яхши ва ёмон) амалларингиздан хабардордир” (Мужодала сураси, 11-оят).

Пайғамбаримиз ﷺ ҳам илмли кишининг илмсиз кишидан даражаси юқори эканлигини бир қанча ҳадисларида баён қилганлар:

"فَضْلُ الْعَالِمِ عَلَى الْعَابِدِ كَفَضْلِي عَلَى أَدْنَاكُمْ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ).

яъни: “Олимнинг обиддан устунлиги худди менинг сизлардан энг куйи даражадаги кишидан устунлигим каби дир” (Имом Термизий ривояти).

Устозга меҳр қўймаган, ҳурмат қилмаган шогирднинг илмни пухта эгаллашига ишониш қийин. Бемор киши ўз ихтиёрини бутунлай табибга топширганидай, таълим олувчи шогирд ҳам ўзини батамом муаллим ихтиёрига топшириши, уни эъзозлаб ҳурматлаши ва доимо хизматида шай туриши керак. Абдуллоҳ ибн Аббос رضي الله عنه ўзидан ёши улуғ бўлган Зайд ибн Собит رضي الله عنه нинг уловлари тизгинини ушлаб, унга минишларида ёрдам бериб бундай деганлар: “Уламоларга шундай хизмат қилишга буюрилганмиз. Агар шогирд улуғлик сифатига етмай туриб, ундан фахрланиб, кибранса – жоҳилдир. Зеро, илм-ҳикмат мўмин кишининг йўқотган нарсасидир, қачон топса, уни олишга ҳақли”.

Мухтарам азизлар! Кишида илм ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Албатта, бунинг учун устоз зарур. Илм ва уни талаб қилишнинг фазилати нақадар улуғ бўлса, илм ўргатиш, яъни, устозлик қилишнинг фазилати унданда буюқдир. Қуръони каримда баён қилинишича, инсониятнинг аввали Одам Ато ҳам ўз замонаси учун зарур бўлган илмларга муҳтож бўлганидан Аллоҳ таолонинг ўзи у зотга таълим берди.

وَعَلَّمَ آدَمَ الْأَسْمَاءَ كُلَّهَا ﴿٣١﴾ (سورة البقرة/31).

яъни: “(Аллоҳ) **Одамга барча** (яратилган ва яратилажак нарсаларга тегишли) **номларни ўргатди**” (Бақара сураси, 31-оят).

Ҳар бир замонда Аллоҳ таоло инсониятга илму ҳикмат ўргатиш учун пайғамбарларини юбориб турди. Жумладан, охирзамон пайғамбари Муҳаммад □ ни шундай шарафли вазифа билан юборди.

لَقَدْ مَنَّ اللَّهُ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ إِذْ بَعَثَ فِيهِمْ رَسُولًا مِنْ أَنْفُسِهِمْ يَتْلُو عَلَيْهِمْ آيَاتِهِ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَإِنْ كَانُوا مِنْ قَبْلُ لَفِي ضَلَالٍ مُبِينٍ (سورة آل عمران/31).

яъни: “Аллоҳ ўз ичларидан Аллоҳнинг оятларини ўқиб берадиган, уларни (ширк ва гуноҳлардан) мусаллаҳ қиладиган ҳамда уларга Китоб ва Ҳикматни таълим берадиган Пайғамбарни юбориш билан, мўминларга инъом этди. Улар эса бундан олдин аниқ гумроҳликда эдилар” (Оли Имрон сураси, 164-оят).

Бу ҳақда Пайғамбар □ нинг ўзлари:

... وَإِنَّمَا بُعِثْتُ مُعَلِّمًا" (رَوَاهُ الْإِمَامُ ابْنُ مَاجَه).

яъни: “*Албатта, мен муаллим қилиб юборилганман*”, – деганлар (Имом Ибн Можа ривояти). Мана шунинг ўзи ҳам устозлик қай даражада юксак мартаба эканлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, ўзгаларга илму маърифат зиёсини тарқатиш нақадар савоб иш. Бу вазифага мутасадди бўлган кишининг даражаси ҳам мислсиз. Шунинг учун ҳам борликдаги ҳамма нарса устознинг ҳаққига дуо қилиб туради. Расулуллоҳ □ бу ҳақда шундай марҳамат қилганлар:

إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ وَأَهْلَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ حَتَّى النَّمْلَةَ فِي جُحْرِهَا وَحَتَّى الْخُوتُ فِي الْبَحْرِ لَيُصَلُّونَ عَلَى مُعَلِّمِ النَّاسِ الْخَيْرِ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ).

яъни: “*Албатта, Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари, осмонлару ер аҳли, индидаги чумоли, ҳаттоки, денгиздаги балиқ ҳам одамларга яхшиликни таълим берувчига саловот айтадилар*” (Имом Термизий ривояти).

Мухтарам жамоат! Мамлакатимизда устоз ва мураббийларга эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш, ижтимоий имтиёзлар яратиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жамиятнинг маънавий-маърифий даражаси устоз ва мураббийларга бўлган муносабатга қараб баҳоланади. Жамиятнинг кўп қисмини ташкил қилувчи ёшларимизга таълим-тарбия бериб келаётган устоз ва мураббийларимизни ҳар вақт ҳурматлашимиз ва эъзозлашимиз лозим. Зеро, келажак авлодни баркамол ва етук маърифатли бўлиб етишишида уларнинг хизматлари каттадир. Ўзбекистон бугунги дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, таълим, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда тенглар

ичра тенг овоз билан халқаро майдонда ўз мавқеъига эга бўлишида устоз ва мураббийларнинг ўрни беқиёсдир. Шу муносабат билан юртимизда ҳар йили 1 октябрь куни “Устозлар ва мураббийлар куни” деб белгиланиб, шу кунда халқимиз байрам қилиб, устозларга кўпроқ хурмат-иззат кўрсатадилар, дилларига хурсандчилик бахш этишга ҳаракат қиладилар.

Устозларни кадрлаш ҳақида сўз кетганда, беихтиёр ҳазрати Мир Алишер Навоий бобомизнинг ушбу сўзлари ёдимизга тушади:

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин минг ганж ила.*

Ҳақиқатан ҳам, “устоз отангдек улуғ” деб, аждодларимиз бежиз айтишмаган. Чунки, ота фарзандни дунёга келтирган бўлса, устоз унга одамийликдан сабоқ берган. Бир машҳур зотдан, нима учун устозингизни отангиздан ҳам ортиқ кўрасиз, деб сўрашганда: “Отам мени ерга тушишимга сабаб бўлган, устозим эса руҳимни тарбиялаб, кўкка етишимга сабаб бўлди”, – деган экан.

Динимиз таълимотига кўра, ўзгаларга таълим берган киши нафақат дунёда иззат-хурматда бўлади, балки вафотидан кейин ҳам қолдирган манфаатли илми, таълим берган шогирдларининг хизмати, ёзган асарларидан ўзгаларнинг фойдаланиши туфайли номаи амалига савоб тўхтовсиз бориб туради. Шундай экан, устоз ва мураббийлар ҳар қанча эъзозланса, арзийди.

Мухтарам жамоат! Устоз ва талабалар амал қилишлари зарур бўлган одоблар мавжуд бўлиб, қуйида улардан баъзиларини баён қиламиз. Ўқитувчига тегишли одоблар:

- **Ниятни холис қилиш.** Яъни, ўқитувчи илм бериши орқали савоб олишни умид қилиши ва ўқувчиларга манфаат етказишни ният қилиш.
- **Кўп кулгу ва ҳазил-мутойибадан сақланиш.** Албатта, муаллим очик чехралик, мулойим, ширинсўз, дардкаш ҳамда меҳрибон бўлиш билан бирга, ўзига ярашмайдиган, ноўрин кулгудан тийилиши, ҳазил қилса ҳам, енгил, оғир келмайдиган тарзда қилиши мақсадга мувофиқ. Ўқитувчининг ўта жиддий бўлиши талабани билмаган нарсасини сўрашдан, унга яқин бўлишдан ва дардини бемалол айтишдан тўсади.
- **Ўқувчиларни билим олишга қизиқтириш.** Демак, ўқитувчи билимли кишиларнинг аввало ўзларига, қолаверса, жамиятга фойдалари тегиши, уларга ваъда қилинган савоб ҳақида ўқувчиларига тез-тез эслатиб туриши жуда муҳим.
- **Дарс давомида талабанинг илмий салоҳияти ва иқтидорига мос ўргача йўлни танлаш.** Ҳар бир инсоннинг маълумот олиш қобилияти ва ёдда сақлаш кўникмаси турфа бўлгани сабабли, талабанинг шахсий хусусиятларига жиддий эътибор бериш ҳамда кўнглига йўл топа олиш ўта муҳим.
- **Ўқувчиларни бир-биридан ортиқ кўрмаслик.** Ўқитувчи ҳам ота кабидир, шунинг учун ҳар бир ўқувчисини ўз фарзандидек кўриши, биридан бошқасини ажратмаслиги керак.
- **Талабаларга дунёвий ва диний билимларни баробар олиб боришни, замонавий билимларда орқада қолмасликни ўргатиш.**
- **Чиройли хулқлар ва яхши хислатлардан сабоқ бериш.** Бу соҳада ўқитувчи кўп йиллик тажрибаларидан фойдаланиш.

➤ **Ўқувчи хато қилса, тўғри йўлга йўллаш.** Бунда кўполлик ва дилозорликдан сақланиб, улуғ аждодларимиз ҳаёти, ибратли воқеалар билан талабани яна тўғри йўлга йўллаб қўйилади.

➤ **Ёш ва мансаб жихатдан ўзидан паст инсондан бўлса-да билмаганларини ўрганишни ор қилмаслик.** Чунки ҳикмат мўминнинг йўқотган нарсаси бўлиб, қаерда топса олаверади. Алишер Навоий бобомиз айтадилар: “*Сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим*”.

➤ **Қайси хунар ва фан ўқитувчиси бўлишидан қатъи назар, ўз соҳасини пухта билиш.** Муаллим ўз устида кўп ишлаши, керак бўлса, талабадан кўпроқ дарс қилиши керак.

➤ **Ўзига раво кўрганини ўқувчиларига ҳам илиниб, ёмон кўрганларини уларга ҳам раво кўрмаслик.**

➤ **Ўқувчилари ҳаққига яхши дуолар қилиб, уларга яхшиликни соғиниш.** Чунки устознинг дуоси худди ота-онанинг фарзандига қилган дуоси кабидир.

Баркамол авлод ва соғлом жамият олдида катта масъулият соҳиби бўлган барча устоз ва мураббийларимизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва икки дунё саодатига мушарраф этишини сўраб, дуолар қилиб қоламиз!

Мухтарам жамоат! Мавъизанинг ҳанафий мазҳабимиздаги фикҳий масалалар қисмида **намоз вақтлари** ҳақида суҳбатлашамиз.

1. Бомдод намози: *Бомдод намозининг вақти субҳи содиқдан* (уфқда кенг ёйилган ёруғликдан) ***қуёш чиққунигачадир.*** Бомдод вақти киргандан бошлаб қуёш тўлиқ чиққунигача Бомдоднинг икки ракат суннатидан бошқа нафл намоз ўқиш макруҳ саналади. Аммо қазо намоз ўқиса бўлади. Бомдод намозини ўқиш пайтида қуёш чиқиб қолса, Бомдод намози тўхтатилади ва қуёш тўлиқ чиққандан кейин қазоси ўқилади. Бугунги Бомдоднинг қазосини заволгача ўқиса, суннати билан бирга қазоси ўқилади. Заволгача ўқилмаса, фарзини ўзи қазо қилинади. Бомдодни суннатига улгурмай, фарзини жамоат билан ўқиган киши фарздан кейин суннатни ўқимайди.

2. Пешин намози: *Пешиннинг вақти қуёш заволга оғганидан ҳар бир нарсанинг сояси заволдаги соядан ташқари ўзининг бўйига икки баробар бўлгунигачадир.* Қуёш қиёмдан заволга қараб оғгандан бошлаб Пешин намозининг вақти кирган бўлади. Заволдаги соядан ташқари ҳар бир нарсанинг сояси ўзининг бўйига икки баробар келгунича Пешин вақти ҳисобланади. Бу Имом Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳнинг фатволаридир.

3. Аср намози: *Асрнинг вақти ҳар бир нарсанинг сояси заволдаги соядан ташқари ўзининг бўйига икки баробар бўлганидан бошлаб қуёш ботгунигачадир.* Аср намози адо қилинганидан кейин Шом намози ўқилгунигача нафл намоз ўқиш макруҳ ҳисобланади. Аммо қазо намоз ўқиса бўлади. Асрга айтилган азондан кейин такбир айтилгунигача, бемалол нафл намоз ўқиса бўлади. Аср намозини қуёшни нури кўзни камаштирмайдиган даражада кечиктириб ўқиш макруҳдир. Киши бугунги Аср намозини ўқиш пайтида қуёш ботиб қолса, охиригача давом эттираверади.

4. Шом намози: *Шомнинг вақти қуёш ботганидан шафақ йўқолгунигача.* У (шафақ) ***уфқдаги қизилликдир ва шунга фатво берилган.*** Шом намозини доимо (йилнинг барча фаслларида) вақти кириши билан ўқиш

мустаҳабдир. Демак, Шом намозининг вақти қуёш уфқга ботиши билан бошланиб уфқдаги қизиллик йўқолгунигача давом этади.

5. Хуфтон намози: Хуфтоннинг вақти Шомнинг вақти тугагандан бошлаб тонггачадир. Витрнинг вақти хуфтон ўқилгандан бошлаб тонггачадир. Хуфтон намозини кечасини ярмидан кейин ўқиш макруҳ бўлади. Хуфтон ва Бомдодни жамоат билан ўқишни фазилати ҳақида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: **“Ким хуфтон намозини жамоат билан ўқиса, гўё кечанинг ярмини ибодат билан ўтказгандек бўлади. Ким Бомдод намозини ҳам жамоат билан ўқиса, гўё кечанинг барчасини ибодат билан ўтказгандек бўлади”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Қазо бўлган намозларни куннинг барча вақтида ўқиса бўлади, фақат қуёш чиқиш, қиёмга келиш ва ботиш вақтлари бундан мустасно. Бу уч вақтда ҳеч қандай намоз ўқиб бўлмайди.

Устозлик мартабасига етиш ва унинг омонатларига риоя этиш ҳар биримизга насиб этсин! Омин!